

Ижтимоий тафаккур тарихида эркинлик ва масъулият муаммоси

ЖДПИ ўқитувчиси

Каримов Сажар Синдорқулович

Эркинлик масаласи фалсафада бутун ижтимоий тафаккур тараққиёти давомида инсоният ва инсон шахси ҳаётининг долзарб муаммоларидан бўлиб келди.

Ижтимоий тафаккур тарихига назар солсак, эркинлик тушунчаси узок тарихий ривожланиш жараёнида шаклланганлиги ва мураккаблашиб борганлигига гувоҳ бўламиз. Уни турли мамлакат халқлари турлича идрок этган ва талқин қилган. Ғарбда эркинлик хусусида фикр юритилганда, асосан, алоҳида олинган шахс эркинлиги ва ҳуқуқларидан келиб чиққан ҳолда ёндашилади, эркинликка шу мезондан келиб чиқиб баҳо берилади. Шарқда эса жамоавийлик ўзига хос қадрият сифатида ҳаёт тажрибаси ва синовларидан ўтиб келган. Уни инсонларнинг турли эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда тушуниш мумкин. Масалани теранроқ англаш учун шарқ ва ғарб файласуфларининг бу ҳақдаги фикрларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Жумладан, эркинлик, Иммануил Кант фикрича, инсоннинг хис этиладиган дунё қонуниятларига бўлмаган ҳатти-ҳаракатларни мустақил содир эта олишидир.¹

Гегел: “Эркинлик англаб олинган зарурат деган фикрни олға сураётган экан, аввало руҳ эркинлигининг моҳиятини ифода этган. Энгельс эса, унга қўшимча қилиб, эркинлик – англаб олинган зарурат бўйича ҳаракат қилиш”, деган фикрни билдиради. Бу орқали у эркинликнинг воқе бўлиши ва қандай юзага чиқишига урғу берган.²

¹ Тўхтаров.А Коперникона тўнтариш ёхуд Кант кашфиётининг сири. // Тафаккур, 2003, №2, Б.48.

² Қаранг: Эркаев А. Тафаккур эркинлиги. // Тафаккур, 2005, №2, Б.6

“Менга бир нарса мукаммал равшанки, - деб ёзган эди атоқли давлат ва жамоат арбоби Жавоҳарлаъл Неру, – мураккаб ижтимоий организмда шахс эркинлиги чегараланган бўлиши керак ва ижтимоий соҳада бундай чекланиш шахс эркинлигини таъминлашнинг ягона йўли бўлиши мумкин. Кўпинча кенг маънода эркинликнинг манфаати учун иккинчи даражали эркинликни чеклашга зарурат туғилади”.³

Шу ўринда эркинлик категориясининг ижобий ва салбий жиҳатларга эга эканини ҳам таъкидлаш зарур. Унинг ижобий жиҳати шахснинг ўз манфаатларига мувофиқ равишда ҳаракат қилиш имкониятини ифодалайди. Бунда шахс бирор-бир моддий-маънавий меҳнатга интилиб, шу йўлда зарур ҳаракатлар қилиши мумкинки, бу ҳатти-ҳаракатлар ўз навбатида интилиш ва манфаатларга зид келмаслиги керак. Чунки адолат чегараси, эркинликлар меъёри айнан шу асосда шаклланади. Аксинча, шахснинг ҳатти ҳаракати ташқаридан бўладиган таъсирлардан бутунлай холи бўлган, ўз мақсадларига эришиш жараёнида ҳеч бир акс таъсирни тан олмаган тақдирда эркинликнинг салбий жиҳати намоён бўлади. Чунки бу жараёнда “кимнингдир ва ниманингдир ҳисобига эркинликка эришиш” ҳолати содир бўлади. Шахс бу муносабатларни тўғри баҳоламаган тақдирда у ҳатти-ҳаракати билан адолатнинг бузилишига сабаб бўлади. Албатта, эркинликнинг ҳар икки жиҳати ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Лекин шу билан бирга улар ўртасида мураккаб, зиддиятли ва ҳатто қарама-қарши муносабатлар ҳам мавжуд.⁴

Эркинлик. Хўш, Жамият тараққиётининг барча даврларида имконият учун юксак идеал бўлган ушбу тушунчанинг мазмунида қандай маъно ва моҳият мужассамлашган?

Бу сўзнинг луғавий маъноси – кишининг ўз истаги бўйича иш тутишидир. Афсуски, аксарият ҳолларда бу тушунчанинг теран фалсафий

³ Неру Ж. Открытие Индии. Книга первая. Москва, 1989, С.37.

⁴ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.:Академия, 2001.Б.151.

моҳиятини англамаган ҳолда худди шундай тор маънода ҳам қўлланилмоқда. Аслида, эркинлик инсоннинг индивудуал руҳий, маънавий дунёси билан боғлиқ ҳолда субъектив асосга эга бўлсада, унинг муайян жамият аъзоси сифатида ижтимоий муносабатларга киришиши жараёнидаги объектив шароитларга мослашувида намоён бўлади.

Ижтимоий-гуманитар билим соҳаларида эркинлик тушунчасини жамиятнинг турли соҳалари билан боғлаб сиёсий эркинлик, виждон эркинлиги, ирода эркинлиги, сўз эркинлиги каби аниқ тушунчалар ҳосил қилинади. Биз бу тушунчаларни шахс эркинлигининг таркибий қисмлари сифатида ҳам кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

Аслида, инсоннинг ҳаёти ғоят мураккаб алоқадорликлар орқали кечиши, муносабатларнинг хилма-хил соҳаларида намоён бўлиши туфайли эркинлик тушунчасига хилма-хил таърифлар берилган бўлсада, барча таърифларга хос умумий жиҳатлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин. Эркинлик бу-англанган зарурият, инсоннинг истаги, жамиятда тенг имкониятга эга бўлиш, инсоннинг ўз бахтини ўзи яратиш қобилияти ёки инсоннинг ўзлигини англаш даражаси сифатида талқин қилинади.

Ҳозирда шахс эркинлиги инсоннинг ўз ҳаёти ва фаолиятини эркин амалга ошириши, озод шахс сифатида меҳнат қилиш, билим олиш, ўзи истаган касб-ҳунарни танлаш, дин ва бошқаларни мустақил танлашини ифодалайди. Шу ўринда кишининг эркинлик тушунчасига монанд тарзда шаклланадиган ҳатти-ҳаракатларида икки хил бир-бирига зид ҳолатлар намоён бўлиши мумкинлигини назардан қочирмаслик лозим. Бир томондан, ижобий ҳолатда шахснинг ўз имкониятларини тўлиқ намоён қилиши, ўз ҳақ-ҳуқуқларини эркин амалга ошириши, ижодкорлик, ташаббускорлик каби жиҳатларини тўла руёбга чиқаришида кузатилса, иккинчи ҳолатда эса, эркинликни масъулиятдан айри ҳолатда тушунишида намоён бўлади ва бу ҳолат ўзбошимчалик ҳамда худбинликни келтириб

чиқаради. Шу ўринда таниқли файласуф Анвар Чориевнинг “Эркинлик ва масъулият Шахс онгли фаолиятининг икки томонидир¹” деган фикрини эслаш ўринлидир.

Демакки, шахс ўзининг мустақил фаолиятида жамиятнинг бошқа аъзолари, оиласи, маҳалласи, меҳнат жамоаси, давлати ва жамияти олдидаги масъулиятини ҳис қилганда, шунингдек, мавжуд ижтимоий нормаларга амал қилган ҳолдагина муайян даражада эркинликка эришиши мумкин.

Дарҳақиқат, эркинликнинг ҳозирги замонавий талқини мамлакатда ҳуқуқий эркин ва фаровон ҳаёт қуриш ғояси билан узвий боғлиқ. У шахс эркинлигини англаш туйғуси, жамият олдидаги масъулиятни ҳис этиш, англаш талаблари билан ҳамоҳангдир. Бу шахсни инсон сифатида ўз эркинлигини англашга даъват этади, унга ҳаётнинг маъно-мазмунини чуқурроқ идрок этиш масъулиятини юклайди. шахс эркинлигини хаддан ташқари мутлақлаштириш салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Шахс эркинлигининг эътироф этилиши унинг ҳатти-ҳаракати, ҳуқуқлари мутлоқлигини билдирмайди. Ҳаётда бундай эмас. Шахс эркинлиги шахснинг жамият, давлат олдидаги масъулияти билан боғлиқ ҳолда эътироф этилади ва бу тегишли қонун, тартибот, меъёрлар орқали тартибга солинади.⁵

Шахс эркинлигини унинг дунёқараши, ички маънавий дунёси, ҳаёт қуришидаги тасаввурларидан айрича тасаввур этиб бўлмайди. Эркинлик шахсда ўз ҳаётининг ҳақиқий яратувчиси, бунёдкори унинг ўзи эканлигини ва ўзи ҳам ижодкор эканлигини англашга ёрдам беради. У эркинликка муносиб эканлигини ўз фаолияти орқали ҳам англайди. Бошқалар ҳам буни ҳис этади.

¹ Чориев А. Мустақил шахс. –Т.: Чинор ЕНК, 2002. Б. 248.

⁵ Юлдашев А. Эркинлик макони. // Мулоқот, 2004, №1, Б.9.

Эркинлик – инсоннинг интеллектуал камолотга етишувининг зарур шартини англанганлигидир. Эркинлик туфайлигина инсон яратувчанликни намоён этади. Шахсий маънавий ва инсоний бурчини тўла тўқис хис этади. “Эркинлик” тушунчаси ҳар қандай шахсга нисбатан эмас, балки ўз хатти-ҳаракати, хулқ-атвори ва фаолияти учун жавобгарликни хис этадиган, маънавий жиҳатдан баркамол инсонга нисбатан қўлланилади. Жамиятнинг маънавий салоҳияти юксалиб боргани сайин кишилар эркинликка ўзбошимчалик, нимани ҳоҳласа шуни қилиш деб эмас, балки маънавий интеллектуал ривожланиш деб қарайдилар.

Демак, ҳар қандай ҳаётини вазиятларда киши ўз хатти-ҳаракатини меъёрлар билан, кадриятлар билан, шунингдек, бошқа кишиларнинг манфаатлари билан мослаштиришига тўғри келади. Бундай ҳолда киши масъулият билан иш юритаётган бўлади. Масъулият дейилганда, Шахс фаолиятининг унинг бурчига мувофиқ эканлигининг англаниши ёки ўз хатти ҳаракати учун жавобгар эканлигини англаб етиши назарда тутилади. Бундан ташқари кишининг ўз яқинларига , эл-юртига нисбатан ички масъулияти ҳам бор бўлиб, бу туйғу масъулият ҳисси деб аталади. Ривожланган масъулият ҳиссига эга инсон ўз хатти-ҳаракатларини назорат қилиши ҳамда уларнинг оқибатларини олдиндан кўра билишга қодирдир.

Демакки, эркинлик ва масъулият доимо алоқдорликда ва ўзаро боғлиқликда мавжуд экан, шахс фаолиятидаги эркинликни намоён этувчи ҳар бир жиҳатнинг моҳиятида масъулият ётади. Агар инсонда эркинлик бўлмаса, демакки, бу инсонда масъулият ҳам бўлмайди².

Шахс масъулияти унинг Шахсий масъулияти, фуқаролик масъулияти ҳамда миллий масъулияти кўринишида намоён бўлади³.

Кўриниб турибдики, шахснинг эркинлиги ва масъулияти мустақил шахс фаолиятининг асосий томонлари бўлиб, шахс эркинлиги ва

⁶ Очилова Б.Миллий- маънавий юксалишда мерос кадриятлар ва ворисийлик. Т.: Истиқлол, 2009.Б.145

² Иброхимов А. ”Биз ким ўзбеклар...”Т.:Шарқ,1999.Б.177

масъулиятини уйғунлаштириш бевосита жамият ва шахс манфаатларини уйғунлаштириш масаласи ҳамдир. Жамият ва Шахс манфаатларини уйғунлаштириш эса, асосан, икки ҳил йўналишда амалга оширилади.

Биринчи йўналишда мажбурлаш ва таъқиқлаш асосий аҳамиятга эга бўлиб, жамиятда диний ёки ҳуқуқий нормаларни қатъий белгилаш орқали жамият аъзоларининг эркинликлари ва ҳақ-ҳуқуқларининг чегараси белгиланиб, уларнинг бурчлари қатъийлаштириб қўйилади. Бу қоидаларнинг амал қилиши устидан жамият ва давлат назорат қилиб туради.

Иккинчи йўналишда эса кишиларда бошқаларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳурмат қилиши ҳамда ўз бурчларини ихтиёрий тарзда масъулият билан бажариш ҳисси шакллантирилади. Бу йўналишда жамиятда мавжуд диний, ахлоқий ва ҳуқуқий нормаларга нисбатан ҳурмат туйғуси асосан, таълим-тарбия, ибрат ва муайян эътиқодни шакллантириш орқали шакллантирилади.

Ушбу жараёнда кишиларда масъулият ҳиссини тарбиялаш асосий мақсад бўлиб, бу йўналиш мажбурлаш ҳаракатига эга бўлган биринчи йўналишга нисбатан анчайин самарали ҳисобланади, чунки қатъий қонунлар кишилар фаолиятининг фақат ташқи жиҳатини тартибга солиб, уларнинг қарашларига таъсир этиши қийин. Аксинча, масъулият кишининг эътиқодидан келиб чиқадиган ҳолатда шахс ўз бурчларини ҳеч қандай ташқи таъсирларсиз адо этаверади. Масъулият одамнинг ҳар бир амали, фаолияти оқибатини тўлиқ тасаввур қилган ҳолда, унинг ўзи ва ўзгалар учун қандай наф келтиришини англай олиш қобилиятдир. Масъулиятни чуқур хис қилган инсонгина шуни пухта режалаштириб, зарур натижага эришиш мақсадида бутун куч ва салоҳиятини сафарбар этишга қодир бўлади. Масъулиятсиз кишига берилган ҳурлик эса сўқир киши қўлига тутқазилган чироққа ўхшайди. Масъулият шахсни ўз эркинлигини бошқалар эркинлиги билан мувофиқлаштириб яшашга ундаб

туради. Шахсий масъулият, биринчи навбатда, ўз манфаатини назарда тутса, фуқаролик масъулияти жамият манфаатлари билан боғлиқ. Фуқаролик масъулиятини хис этган шахс, энг аввало, ўзи меҳнат қилаётган жамоа, таълим олаётган даргоҳ, маҳалласи, юрт равнақини ўйлаган ҳолда фаолият юритади.

Мустақил Ўзбекистон фуқароларининг ягона мақсади Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги учун хизмат қилиш бўлса, фуқаролик эркинлиги ва масъулиятининг мазмунини ана шу бунёдкор, эзгу ғояларни амалга ошириш ташкил этади.